



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАХАР ИЖТМОИЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 139 (13.736)

Баҳоси эркин нарҳда

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ РОССИЯ, ТУРКМАНИСТОН, ҚОЗОҒИСТОН, ТОЖИКИСТОН, ҚИРҒИЗИСТОН ВА ТУРКИЯ ПРЕЗИДЕНТЛАРИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 24 июль куни Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов, Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев, Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон, Қирғизистон Республикаси Президенти Сооронбай Жээнбеков ва Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғон билан телефон орқали мулоқот қилди.

Хорижий давлатлар раҳбарлари Ўзбекистон Президентини тугилган куни билан самимий табрик-лаб, кўп миллатли халқимизга тинчлик, тараққиёт ва фаровонлик тиладилар.

Мулоқотлар чоғида мамлакатимизда давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш, ижтимоий соҳани ислох этиш ва иқтисодиётни либераллаштириш, қонун устуворлигини, хавфсизлик ва миллатлараро тотувликни таъминлаш борасида сифат жиҳатидан янги босқичда амалга оширилаётган кенг қўламли ўзгаришлар Ўзбекистоннинг ҳар томонлама ва жадал ривожланишига, аҳоли турмуш даражаси ва сифатининг мутасил ошиби боришига хизмат қилаётгани алоҳида қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти юритаётган вазири ва конструктив ташқи сиёсатга, давлатимиз раҳбарининг хорижий шериклар билан ўзаро манфаатли ва самарали ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашга, шунингдек, минтақамиз ва глобал микроскода тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлашга қаратилган халқаро ва минтақавий ташаббусларига юксак баҳо берилди.

Жорий йил 22 июнь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилати Бош Ассамблеясининг Марказий Осиёда минтақавий ва халқаро ҳамкорлик масалалари бўйича махсус резолюцияси қабул қилинган минтақавий дўстлик, яхши кўшничлик ва ишонч муҳитини шакллантириш ҳамда мустаҳкамлашга қаратилган амалий савб-ҳаракатлар халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилиб, кенг қўлаб-қувватланаётганидан далолат бериши таъкидланди.

Давлат раҳбарлари икки томонлама муносабатларнинг долзарб жиҳатлари ва халқаро сиёсатга оид масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан мулоқотда Ўзбекистон – Россия стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларининг бугунги ҳолати ва истиқболлари муҳокама этилди.

Ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлигини кенгайтириш, иқтисодиётнинг турли тармоқларида йирик инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Булажак олий даражадаги ўрашувлар режаси қўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари Россия Президентини футбол бўйича 2018 йилги Жаҳон чемпионати юксак даражада ўтказилгани ва унда Россия терма жамоаси муваффақиятли иштирок этгани билан самимий табрик-лаб қилди.

Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов билан телефон орқали мулоқотда олий даражадаги икки томонлама ўрашувлар юзасидан эришилган келишувлар ва имзоланган битимларни кенг қўлаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасидаги яхши кўшничлик ва стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, аввало, савдо, sanoat кооперацияси, транспорт ва транзит, энергетика соҳаларидаги аниқ лойиҳаларни амалга ошириш ҳамда маданий-гуманитар алмашувни кенгайтириш борасида томонларнинг иштироки қатъий экани таъкидланди.

Мазкур йўналишдаги ўзаро ҳамкорлиқнинг аниқ жиҳатлари шу куннинг биринчи ярмида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Туркменистон Вазирилар Маҳкамаси Раиси ўринбосари **Эсенмурат Оразгелдиев** билан ўрашувида муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари **Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев** билан мулоқотда қардош мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва яхши кўшничлик ришталарини мустаҳкамлашга, стратегик шериклик ва кўп қиррали ҳамкорлиқни ривожлантиришга қўшаётган шахсий ҳиссаси учун самимий миннатдорлик билдирди.

Ўзаро савдо ҳажмининг жадал ортиб бораётгани, қўшма лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилаётгани, транспорт қатнови кенгайиб, мамлакатларимиз ишбилармон доиралари ва худудлари ўртасида фаол алоқалар ривожланаётгани, Қозоғистонда Ўзбекистон йили маданий-гуманитар ва ишбилармонлик тадбирларига бой ўтаётгани мамнуният билан қайд этилди.

Тожикистон Президенти Имомали Раҳмон билан мулоқотда Тожикистон раҳбарининг Ўзбекистонга илк давлат ташрифига тайёргарлик қўриш ҳамда булажак олий даражадаги ўрашувлар дастурини аниқ мазмун, жумладан, ўзаро манфаатли лойиҳалар билан боийтиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Томонлар кўп асрлик дўстлик ва яхши кўшничлик ришталарига асосланган Ўзбекистон – Тожикистон муносабатларини янада мустаҳкамлаш йўлида барча имкониятларни ишга солишга, қўшма бизнес ташаббуслари ва худудлараро алоқаларни қўлаб-қувватлашга, маданий-гуманитар алмашувларни ҳар томонлама фаоллаштиришга келишиб олдилар.

Давлатимиз раҳбари **Қирғизистон Президенти Сооронбай Жээнбеков** билан узоқ муддатли ҳамкорлиқнинг аниқ йўналишларини муҳокама қилди. Жорий йил март ойида Фарғона шаҳрида икки мамлакат Бош вазирлари раислигида бўлиб ўтган Ўзбекистон ва Қирғизистон чегараолди худудлари раҳбарлари кенгаши биринчи мажлисининг самарали натижалари мамнуният билан қайд этилди.

Томонлар кенг қўламли ҳамкорлиқни, жумладан, савдо-иқтисодий, инвестиция, транспорт-коммуникация, энергетика ва бошқа соҳалардаги шериклини ривожлантиришдан манфаатдор экани таъкидланди.

Туркия Президенти **Режеп Таййип Эрдоғон** билан телефон орқали мулоқотда Туркия раҳбарининг жорий йил апрель ойининг охири – май ойининг бошида Ўзбекистонга давлат ташрифи якунида эришилган келишувлар ва имзоланган ҳужжатларни амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Туркиянинг етакчи компаниялари ва банклари иштирокида мамлакатимизда юқори технологик ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиш, энергетика, транспорт-коммуникация ва туризм инфратузилмасини модернизация қилиш бўйича инвестиция лойиҳаларини рўйбга чиқаришга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти хорижий давлатлар раҳбарларига самимий табрик учун миннатдорлик билдириб, ўз навбатида, дўст мамлакатлар – Россия, Туркменистон, Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Туркия халқларига тинчлик, барқарорлик ва фаровонлик тиллади.

Ўзбекистон Президенти номига қўлаб давлат ва ҳукумат раҳбарлари, таниқли, сиёсий арбоблардан кутловлар келмоқда:

- Хитой Халқ Республикаси Раиси **Си Цзиньпин**;
- Корея Республикаси Президенти **Мун Чжэ Ин**;
- Озарбайжон Республикаси Президенти **Илҳом Алиев**;
- Беларусь Республикаси Президенти **Александр Лукашенко**;
- Арманистон Республикаси Президенти **Армен Саркисян**;
- Украина Президенти **Пётр Порошенко**;
- Ҳиндистон Республикаси Президенти **Рам Натх Ковинд**;
- Индонезия Республикаси Президенти **Жоко Видодо**;
- Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерация Кенгаши Раиси **Валентина Матвиенко**;
- Россия Федерацияси Ҳукумати Раиси **Дмитрий Медведев**;
- Арманистон Республикаси Бош вазири **Никол Пашинян**;
- Бирлашган Араб Амирликлари Бош вазирининг ўринбосари, Президент ишлари бўйича вазири **Шайх Мансур бин Зоид Ол Наҳаён**;
- Бирлашган Араб Амирликлари Бош вазири ўринбосари **Шайх Сайф бин Зоид Ол Наҳаён**;
- МДҲ Ижроия қўмитаси раиси – Ижрочи котиби **Сергей Лебедев**;
- Халқаро авиация қўмитаси раиси **Татьяна Анодина**;
- Европа парламентининг Марказий Осиё мамлакатлари билан ҳамкорлик бўйича делегацияси раиси **Ивета Григуле-Петерсе**.

Кутловлар келиши давом этмоқда.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

МИЛЛИЙ КИНОИНДУСТРИЯНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Маҳаллий кино санояти миллий маданият ва санъатни ривожлантиришга, ёшларни садоқат ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашга, кекса авлодга ҳурмат-эҳтиром кўрсатишга бебаҳо ҳисса қўшмоқда. Кино инсон билимини орттиришда муҳим роль ўйнайди, унинг бой мазмуни эса аҳолининг билимдонлик даражасига бевосита таъсир қилади.

Шу билан бирга, мазкур соҳадаги ишларнинг ҳақиқий ҳолати миллий кино саноятининг жадал ривожланишига, жаҳон кино бозорига рақобатбардошликни оширишга, уни чет элда тарғиб қилишга тўқинлик қилмайдиган бир қатор ҳал этилмаган муаммолар мавжудлигидан далолат бермоқда. Хусусан:

Биринчидан, ишлаб чиқилаётган кино маҳсулотларининг мафкуравий-бадий даражасининг пастлиги, сценарийнавислик, режиссёрлик ва актёрлик маҳоратларининг етарли даражада сифатли эмаслиги, ёшлар учун маънавий намуна бўлиб хизмат қилмайдиган бадий образларнинг кўпинча мавжуд эмаслиги миллий кинематографиянинг асосий мақсадлари бўлган – ёш авлодни жасорат ва қатъиятлик руҳида тарбиялаш, ёт "оммавий маданият"га қарши курашиш каби ларни амалга оширишга имкон бермайди;

Иккинчидан, кино маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича давлат буюртмасини бериш юзасидан шаклландан амалиёт татбиқ қилинадиган тартибларнинг очиклиги ва шаффофлигини, бюджет маблағларидан оқилона ва самарали фойдаланишни, шунингдек, кинематография соҳасида соғлом рақобат муҳитининг ривожланишига тўқинлик қилади;

Учинчидан, кино санояти соҳасига хорижий инвестицияларни жалб қилиш стратегияси, ишлаб чиқилаётган кино маҳсулотларининг ўзини оқлаши ва даромад келтиришига қаратилган замонвий маркетинг тадқиқотлари ва аниқ мақсадли кино ишлаб чиқариш дастурларининг мавжуд эмаслиги миллий кинематографиянинг юқори зарар билан ишлашига олиб келмоқда;

Тўртинчидан, кинопрокат ва республика бўйлаб кино маҳсулотларини етказиб бериш самарасиз тизимларининг мавжудлиги, ишлаб чиқарилган кино маҳсулотларининг етарли даражада тарғиб қилинмаслиги оқибатида аҳолининг суист ҳабардорлиги кинопрокатчилар даромадларига, кинокомпанияларнинг ижодий ва ишлаб чиқариш ҳодимларини моддий рағбатлантиришга салбий таъсир кўрсатди, шунингдек, кинотеатрлар тармоғи фаолиятининг тугатилишига олиб келди;

Бешинчидан, давлат буюртмаси бўйича ишлаб чиқарилган кино маҳсулотларига ажратилмайдиган маблағларнинг етарли эмаслиги, кино ишлаб чиқарувчиларни солиққа тортиш тизимининг самарасизлиги ва юқори солиқ юки кино санояти соҳасининг рентабеллигини чеклайди ва кинематографиянинг умумжаҳон ривожланиш тенденцияларига мувофиқ илғор инновация ва рақамли технологияларни жорий этишни рағбатлантирмайди;

Олтинчидан, кино соҳасидаги кадрлар тайёрлаш тизими замонвий талабларга жавоб бермайди, ихтисослаштирилган, шу жумладан, чет давлатларнинг олий ўқув юртиларида талаб юқори бўлган мутахассисларни тайёрлаш, кино санъати вакилларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ишлари ташкил этилмаган;

Еттинчидан, муаллифлик ҳуқуқи объектларини, шу жумладан, кино маҳсулотларининг ноқонуний тарқатилишини аниқлаш ва бартароф этиш, улар билан руҳсатсиз фойдаланишдан ишончли ҳимоя қилиш, қароқчиликка қарши курашишнинг аниқ механизмлари мавжуд эмаслиги кино маҳсулотларининг асл нусхаларини юқори даражада ноқонуний айланмасига ва мамлакатдаги кинокомпаниялар ва кинотеатрларга сезиларли зарар етказилишига олиб келади;

Сақизинчидан, маҳаллий киноленталарни жаҳонга машҳур халқаро кинофестивалларга тақдим этиш, шу жумладан, уларда иштирок этиш бўйича тизимли ишлар олиб борилмапти, маданий ўзаро алмашинув даражасининг пастлиги эса миллий кинематографияни чет элда фаол тарғиб қилинишига ва унинг жаҳон кино майдонига қўшилишига имкон бермайди.

Мамлакатда кино саноятини янада ривожлантириш, кинокомпаниялар танловининг шаффофлигини таъминлаш, кинематография соҳасида малакали мутахассисларни тайёрлаш, замонвий технологиялардан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини ошириш, шунингдек, халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш мақсадида:

1. "Ўзбекино" Миллий агентлиги (кейинги ўринларда "Ўзбекино" МА деб юритилади), Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги, Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмақлаштириш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда "Ўзбекфильм" АЖ акциядорларининг қуйидаги тақдирларига розилик берилсин:

"Ўзбекфильм" акциядорлик жамиятини жамият таркибидан чиқиб кетадиган акциядорлар билан ҳисоб-китобни амалга оширган ҳолда "Ўзбекфильм" давлат унитар корхонасини қайта ташкил этиш;

(Давоми 2-бетда)

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ҚОНУН МАВЖУД МУАММОЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТАДИ

Мамлакатимизда 32,4 минг кўп қаватли уйга хизмат кўрсатувчи 4 мингдан ортиқ хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари мавжуд. Бугунги кунда аҳолини уй-жой билан таъминлаш даражаси жон бошига 15,2 квадрат метрни ташкил қилмоқда. 1991 йилда бу кўрсаткич 12,4 квадрат метр эди.

Бугунги кунда уй-жой қурилиши соҳаси фаол ривожланиши баробарида, ечимини кутаётган муаммоларни ҳал этишга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Бу борада қонунчиликни такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, "Фаол тадбиркорлик, инновацион гоғлар ва технологияларни қўлаб-қувватлаш йили" Давлат дастурида уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини тубдан қайта қўриб чиқиш ва тартибга солиш мақсадида "Уй-жой мулкдорлари ширкатлари тўғрисида"ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш белгиланган.

Парламент куйи палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси ЎзЛиДеП фракцияси билан биргаликда ташкил этган муҳокамада кўп қаватли уйлارнинг умумий мулк ҳақида турар ва нотурар жойлардан фойдаланиш, уларни сақлаш бўйича мавжуд муаммолар эътибор марказида бўлди.

(Давоми 2-бетда)

Она Ватанимизни улуғлаш, шаъну шарафини ҳимоя қилиш ва юксалтириш, шу олий мақсад йўлида жипслашиб яшаш каби эзгу туйғуларни ўсиб келаётган ёш авлод қалбига камол топтириш, юртга садоқат, унинг тақдири учун дахлдорлик ҳисси билан йўғрилган мазмунан теран, бадий етук кўшиқлар яратишни рағбатлантириш, уларни халқимизнинг маънавий мулкига айлантириш мақсадида бир қанча танловлар, фестиваллар ўтказилиб келинмоқда.

Танловлар

ЯҒОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАН

"Яғонасан, муқаддас Ватан!" кўрик-танлови ҳам ана шу эзгу мақсадларга хизмат қилади.

"Туркистон" саройида "Яғонасан, муқаддас Ватан!" кўрик-танловининг шаҳар босқичи Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Тошкент шаҳар Маданият бош бўшқармаси ҳамкорлигида юксак савияда ўтказилди.

Жорий йилнинг 9 июлдан 13 июлига қадар пойтахтимиздаги 11 та туман маданият бўлиmlари томонидан 122 нафардан зиёд катнашчилар иштирокида туман саралаш босқичлари ўтказилган эди. Шундан саралаб олинган 35 нафарга яқин иштирокчилар пойтахт босқичида ўзаро беллашди.

"Яғонасан, муқаддас Ватан!" Республика кўшиқлар танлови Президентимиз томонидан маданият ва санъат соҳасига, шунингдек, санъаткорларга нисбатан кўрсатилган алоҳида ғамқўрлигининг яна бир ёркин ифодасидир, – дейди Тошкент

шаҳар Маданият бош бўшқармаси мутахассиси Азиза Юлдашева биз билан бўлган суҳбатда. – Танлов халқимиз орасида етишиб чиқаётган истеъдодли ёшларга ўз маҳоратларини тўла намойён этишлари учун катта имконият яратиб беради. Жумладан, Ватани шарафлайдиган, улуғлайдиган мазмунан теран кўшиқлар яратишига ҳисса қўшиш билан бирга ёшлар орасидан энг истеъдодлиларни саралаб олади. Танлов иштирокчиларининг янги кўшиқлари юксак бадий мезонлар ҳамда ҳолислик асосида танлаб олинади ва бу асарлар келажакда халқимизнинг маънавий мулкига айланади.

Дарҳақиқат, ушбу танлов, ёшлар орасидан иқтидор соҳибларини излаб топишда янги кўшиқларни юксак бадий мезонлар асосида яратишда камарбаста бўлади. Яхши куй ва кўшиқларнинг кўпроқ яратилиши ёш авлод тарбиясида муҳим

восита ҳисобланади. Ёшларни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида камол топтиришда кўшиқчилик санъатининг алоҳида ўрни ва таъсири бор. Мазкур танлов, иқтидорларнинг ўз маҳоратларини намойиш қилишида, янада изланиб, интилишида нури бир доvon вазифасини ўтайди.

Танлов доирасида хақамлар хайъати томонидан иштирокчиларнинг ижро маҳорати, мати мазмуни, мусиқанинг таъсирчанлиги каби жиҳатларига алоҳида эътибор қаратилди.

Кўшиқлари ва ижро маҳорати энг яхши деб топилган иштирокчилар "Яғонасан, муқаддас Ватан!" кўрик-танловининг Республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА
СУРАТДА: танловдан лавҳа
Тимур Камилов олган сурат



ЯҒОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАН

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИМИЛЛИЙ КИНОИНДУСТРИЯНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

"Хужжатли фильмлар киностудияси" давлат унитар корхонасини мамлакатнинг давлат ва жамият ҳаётига амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларининг энг муҳим йўналишларида эришилган ютуқларни тасвирга олиш ва уларни кейинчалик архивлаштириш бўйича вазифаларни юклаган ҳолда "Хужжатли ва хроникал фильмлар киностудияси" давлат унитар корхонаси сифатида қайта номлаш; "Ўзбекино" МАНинг худудий бўлимидаги негизда уларнинг штатлар сони, бино ва бошқа моддий-техника базаси, шунингдек, 2020 йилнинг 1 январига қадар муддатда амалдаги молиялаштириш манбаларини сақлаган ҳолда "Республика кинопродюсери" давлат унитар корхонасининг филиалларини ташкил этиш;

"Ўзбекино" киноарбоблари ижодий уюшмаси" давлат муассасасини унинг балансида бўлган мол-мулк ва бошқа моддий-техник қимматликларни (кўчмас мулкни бепул фойдаланишга) топшириш орқали нодавлат нотижорат ташкилот сифатида қайта ташкил этиш.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда янги ташкил этилган нодавлат нотижорат ташкилотини давлат рўйхатидан ўтказишни таъминласин, унинг устав органларини шакллантиришда зарурий амалий ёрдам кўрсатсин.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга қўра: 2019 йилнинг 1 январидан бошлаб, "Ўзбекино" МА Бадий кенгаши томонидан давлат буюртмаси асосида суратга олинган киномаҳсулотларнинг йиллик тематик режаси юзга келаётган вазият, ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда амалга оширилаётган янгиланишлар, шунингдек, аҳолининг мазмунли кинофильмларга бўлган реал эҳтиёждан келиб чиқиб шакллантирилади;

ишлаб чиқариладиган бадий фильмларни давлат буюртмаси бўйича ишлаб чиқариладиган бадий фильмларнинг йиллик ҳажмига нисбатан фойда жанрлар бўйича кваталаш тизими жорий этилади;

2019 йил 1 январдан бошлаб, мулкчилик шаклидан қатъий назар, мамлакатдаги барча кинотеатрларда намойиш этиладиган маҳаллий бадий фильмлар намойиши ҳажмларини – суткада иккитадан кам бўлмаган шу каби тўлиқ метражли фильмлар билан, 2021 йил 1 январдан эса ойлик экран вақтининг 25 фоизидан кам бўлмаган, байрам кунлари 40 фоиздан кам бўлмаган миқдорда квоталаш тизими жорий этилади;

давлат буюртмаси бўйича ишлаб чиқариладиган бадий фильмларнинг смета харажатларида кўрсатилган маблагнинг 10 фоизи фақатгина уларнинг рекламаси ва телевидение, радио ва Интернет тармоқларидаги пиар-компаниясига, шунингдек, ташқи рекламасини жойлаштириш учун фойдаланилади;

давлат буюртмаси бўйича кино маҳсулотларини Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси тизимидаги телерадиоканалларда реклама қилиш, миллий телерадиокомпания телеканалларида намойиш қилишда "Ўзбекино" МАНинг шахсий кино маҳсулотлари учун муаллифлик ва мулквий ҳуқуқларига риоя қилган ҳолда, имтиёзли шартларда амалга оширилади;

кинокомпанияларнинг, мулкчилик шаклидан қатъий назар, давлат буюртмаси бўйича кино маҳсулотларини ишлаб чиқаришдаги иштироки фақат "Ўзбекино" МА томонидан қонун ҳужжатларига асосан ташкил этиладиган танлов асосида амалга оширилади;

"Ўзбекино" МА Бадий кенгаши таркиби продюсерлар, адаблар, тарихчилар, кинооператорлар, режиссёрлар, кинопродюсёрлар, кинотанқидчилар, психологлар, кинематография соҳасидаги нодавлат ташкилотлар вакиллари ва бошқа мутахассислардан шакллантирилади ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда "Ўзбекино" МА томонидан тасдиқланади;

"Ўзбекино" МА Бадий кенгаши таркибига, Кенгаш томонидан қабул қилинадиган қарорларга бевосита ёки билвосита манфаатдор бўлган шахсларнинг киришига ва уларнинг танловда иштирок этишига йўл қўйилмайди.

"Ўзбекино" МА Бадий кенгаши томонидан давлат буюртмаси бўйича киномаҳсулотни ишлаб чиқариш юзасидан шартномада белгиланган киномаҳсулотлар ишлаб чиқаришининг ҳар бир босқичи якунида, тайёр маҳсулот, режиссёрлик сценарийсига, харажатлар сметаси параметрларига, суратга олиш жараёнининг техник ва технологик талабларига мослигини ҳамда бошқа талабларга риоя этилиши юзасидан баҳолангандан сўнг, ушбу киномаҳсулот (унинг қисмлари) қабул қилинади.

"Ўзбекино" МА Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиха бошқаруви миллий агентлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда 2018 йил 1 октябрга қадар муддатда давлат буюртмаси бўйича ишлаб чиқариладиган кино маҳсулотлари учун конкурс ташкил этиш ва уни ўтказиш тартиби, шу жумладан, конкурсда қатнашадиган кинокомпаниялар учун талабларни назарда тутувчи ҳукумат қарори лойихасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 августдаги ПК-3176-сонли қарори билан ташкил этилган Миллий кинематографияни янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастурини амалга ошириш бўйича Республика комиссиясининг:

2019/2020 ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг иқтидорли битирувчиларини ҳамда институтда "Ижро этувчи

продюсер" ва "Кинорежиссура ва кинодраматургия" йўналишлари бўйича дастлабки саралашдан ўтган бақалар даражасига эга миллий кинематография соҳасининг мутахассисларини С.А.Герасимов номидаги Бутунроссия кинематография давлат институту (кейинги ўринларда – БКДИ) қошидаги "Кино ва телевидение"нинг олий курсларига ўқишга юбориш;

2019/2020 ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институту бакалавриятининг ихтисослашган йўналишлари иқтидорли битирувчилари учун БКДИ ассистентура-стажировкасида "Ижро этувчи продюсер", "Драматургия" ва "Аудиовизуал санъат режиссураси" мутахассислиги бўйича ўқишларни ташкил этиш;

2020/2021 ўқув йилидан бошлаб Тошкент шаҳрида кинематография соҳасининг малакали кадрларини тайёрлаш бўйича БКДИ филиалини (қўшма факультетини) очиб, ўқитувчилик фаолиятига БКДИ юқори курсларида ва ассистентура-стажировкасида аввал тайёрларидан ўтган мутахассисларни, шунингдек, мастер-класслар ўтказиш учун институт профессор-ўқитувчиларини жалб қилиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

4. "Ўзбекино" Миллий агентлиги Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Маданият вазирлиги ва Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда 2018 йил 1 декабрга қадар бўлган муддатда БКДИ юқори курсларида ва ассистентура-стажировкасида Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институту битирувчилари ҳамда республика мутахассислари ўқишини ташкил этиш, шунингдек, Тошкент шаҳрида институт филиалини (қўшма факультетини) очиб бўйича БКДИ раҳбарияти билан музокаралар ўтказсин.

Белгилансинки: БКДИ юқори курсларида ва ассистентура-стажировкасида ўқишга юборилаётган шахслар сони "Ўзбекино" Миллий агентлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда тегишли соҳа мутахассисларига бўлган эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда белгиланади ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади;

БКДИ юқори курсларида ва ассистентура-стажировкасида ўқиш билан боғлиқ харажатлар ҳамда республика мутахассислари Ташқи ишлар вазирлигининг Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот маркази томонидан марказга ушбу мақсадлар учун ажратилаётган маблағлар доирасида молиялаштирилади;

БКДИ олий курсларида ва ассистентура-стажировкасида ўқиш учун саралашдан муваффақиятли ўтган номзодлар билан шартномалар тузилади. Шартномаларда номзодларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига, шу жумладан, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтига ҳамда БКДИнинг Тошкент шаҳрида ташкил этиладиган филиалига (қўшма факультетига) камида уч йил муддатда меҳнат фаолиятини амалга ошириш мажбурияти белгиланган бўлиши керак.

5. Қуйидагилар асосий вазифалари этиб белгиланган "Ўзбекино" Миллий агентлиги ҳузурида Киноиндустрия соҳаси ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш маркази (кейинги ўринларда – Марказ) ташкил этилсин:

киноиндустрия соҳасининг, мулкчилик шаклидан қатъий назар кинокомпанияларнинг ижодий-ишлаб чиқариш, техник ва бошқа ходимларини шартнома асосида режиссура, продюсерлик, актёрлик маҳорати, кинооператорлик, анимация ва бошқа йўналишлар бўйича қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш;

назарий жиҳатдан тайёрлашни амалий ишлар билан интеграция қилиш, киноиндустрия соҳасида тажрибага эга малакали ўқитувчилар ва мутахассисларни, шунингдек, хорижий экспертларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнига жалб қилиш;

методик ва ахборот базасини яратиш, яхшилаш, доимий янгилаб бориш, киноиндустрия соҳаси ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича зарур ўқув қўлланмалари ҳамда тавсияларини ишлаб чиқиш;

киноиндустрия соҳаси ходимларининг хорижий кинокомпанияларда қайта тайёрланиши ва уларнинг малакасини оширилишини ташкил этиш, чет эллик ҳамкорлар билан яқин алоқаларни йўлга қўйиш. Белгилан бўлиши:

Марказ давлат унитар корхонаси шаклида ташкил этилади;

Марказ киноиндустрия соҳасининг, мулкчилик шаклидан қатъий назар кинокомпанияларнинг ижодий-ишлаб чиқариш, техник ва бошқа ходимларини ўқитиш учун олинган маблағлари, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади;

Марказга "Ўзбекино" Миллий агентлиги бош директори томонидан лавозимга тайинланган ва эгаллаб турган лавозимдан озод этиладиган директор раҳбарлик қилади.

6. Қуйидагилар: "Ўзбекино" Миллий агентлиги ҳузуридаги Киноиндустрия соҳаси ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш маркази тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикасида киноиндустрияни янада такомиллаштириш "Йўл харитаси" 2-иловага мувофиқ;

"Учта шаҳар", "101" ва "Қахрамонлар" лойиҳаларини амалга ошириш "Йўл харитаси" 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

"Учта шаҳар" лойиҳасини амалга ошириш доирасида комплекс ташкилий-техник ва ҳуқуқий масалаларнинг сифатли ҳамда ўз вақтида ҳал этилиши учун:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитасининг раиси С.Р.Холмуродов – "Халқ дипломатияси шахри" мажмуи қисми юзасидан;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдуҳакимов – "Этношаҳар" мажмуи қисми юзасидан;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – "Ўзбекнефтгаз" АЖ бошқарувининг раиси А.С.Султонов – "Киношаҳар" мажмуи қисми юзасидан шахсан жавобгар эканлиги белгиланган бўлиши;

7. "Ўзбекино" Миллий агентлиги Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон кинематографиясини ривожлантириш маркази, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Маданият вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда ҳар йили энг яхши маҳаллий кино маҳсулотларининг Канн, Берлин, Венеция, Роттердам, Пусан, Москва ва бошқа машҳур халқаро кинофестивалларда, шунингдек, жажоннинг йирик муфозил кинобозорларида намойиш этилишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги "Ўзбекино" Миллий агентлигининг асослангиринган ҳисоб-китоблари бўйича халқаро кинофестиваллар ва кинобозорларда маҳаллий кино маҳсулотларини намойиш этиш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш учун "Ўзбекино" Миллий агентлиги қошидаги Миллий кинематографияни ривожлантириш жамғармаси маблағларини ҳисобга оган ҳолда бюджет маблағларини ажратсин.

8. 2018 йил 1 августдан бошлаб "Ўзбекино" Миллий агентлиги марказий аппаратининг ходимларига уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш ойлик жамғармасининг 100 фоизи миқдорда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тўланадиган шахсий устима белгилансин.

9. 2020 йил 1 январгача бўлган муддатда: кино маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларнинг прокати билан шуғулланувчи ташкилотлар барча турдаги солиқлар ва мажбурий ажратмалар тўлашдан, бундан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига ажратмалар мустасно, шунингдек, ўрнатилган тартибда шакллантириладиган рўйхат бўйича олиб қириладиган кино ишлаб чиқариш ва кино намойиш этиш ускуналари учун божхона тўловларидан (божхона расмийлаштирувчи йиғимдан ташқари);

"Ўзбекино" Миллий агентлиги ўрнатилган тартибда шакллантириладиган рўйхат бўйича "Ўзбекфильм", "Хужжатли ва хроникал фильмлар киностудияси", "Республика кинофонди", "Республика кинопродюсери", "Мультипликацион фильмлар студияси" давлат унитар корхоналарини қайта қуриш ва жиҳозлаш доирасида олиб қириладиган кино ишлаб чиқариш ҳамда кино намойиш этиш ускуналари учун божхона тўловларидан (божхона расмийлаштирувчи йиғимдан ташқари) озод этилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мазкур қарор талаблари, шунингдек, киноиндустрия соҳасидаги бошқа устувор вазифаларни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига:

а) 2018 йил 1 августга қадар кинематография соҳасида талаб юқори бўлган кадрларни (кинодраматург, кинорежиссёр, кинопродюсёр ва бошқалар) тайёрловчи янги факультет очилиши назарда тутилган ҳолда Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институту фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини;

б) 2018 йил 1 ноябрга қадар: "Кинематография тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига хорижий кинокомпаниялар томонидан бадий фильмларни кинога, видеога тушуришдаги тартиб-таомиллар ва талабларни янада соддалаштиришга доир таклифларни киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 6 апрелдаги 272-сонли қарорининг 4-бандида кўрсатилган ягона кинопродюсери электрон тармоғини ишлаб чиқиш, кинотеатрларни оптик толали алоқа линияси орқали кинопродюсери тармоғига бошқичма-бошқич улаш, кинотеатрларда электрон киночипларнинг тезкор ҳисобини юритиш автоматлаштирилган тизимини жорий қилиш бўйича ишларни молиялаштириш манбалари этиб белгилансин.

12. "Ўзбекино" Миллий агентлиги Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чилонзор кўчаси, 1а-уй манзилга жойлаштирилсин.

13. "Ўзбекино" Миллий агентлиги Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.М.Султонов, Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори О.Б.Муродов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М.Мавлонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 24 июль



● Самарқанд вилояти ҳудудларида ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг боришини ўрганиш, аҳоли турмуш тарзи билан яқиндан танишиш ва уларни қийнаётган муаммоларни аниқлаш мақсадида ташкил этилган "Жамоатчилик назорати" гуруҳлари вилоятнинг энг олис тумани Пахтачида иш бошлади.

● Жиззах вилояти экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси ҳузуридаги "Тоza ҳудуд" давлат унитар корхонасининг маъмурий биноси, марказий техник базаси фойдаланишга топширилди.

● Тошкент вилояти Чиноз туманида замонавий "Аквепарк" ва 2 дам олиш маскани фойдаланишга топширилди. Туризм йўналишидаги спорт-соғломлаштириш ва оилавий дам олишга ихтисослашган мазкур тадбиркорлик субъектлари фаолияти йўлга қўйилиши натижасида 50 дан орტიқ янги иш ўрни яратилди.

● Ғиждувон туманида "Отам, онам ва мен – спортчи оила" мусобақасининг Бухоро вилояти босқичи бўлиб ўтди. Жамиятимизда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш ва спортга қизиқувчи ёшлар сафини кенгайтириш мақсадида Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Бухоро вилояти кенгаши томонидан бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган мусобақада 13 оила голиблик учун баҳсладиди.

● Хоразм вилояти Хива шаҳрида доимий иш жойига эга бўлмаган ёшлар учун меҳнат ярмаркаси ташкил этилди. Вилоят давлат солиқ бошқармаси, Хива шаҳар ҳамда Хива, Қўшқўпир туманлари ҳокимликлари ҳамкорлигида ташкил этилган ярмаркада 128 корхона-ташкilot ва тадбиркорлик субъектлари 600 га яқин бўш иш ўрни билан иштирок этди.



● Грециянинг жанубий-шарқий ҳудудларида иссиқ ва қуруқ ҳаво ҳужм суриши натижасида кейинги 20 йил давомидаги энг қучли ўрмон ёнгинлари авжига чиқмоқда. Ёнгин натижасида шу кунгача 60 киши ҳаётдан қўз юмган бўлиб, уларнинг кўпчилиги ўз машиналарида ухлаб ётган пайтида ёниб кетган. Мамлакат ҳукумати хорижий давлатлардан ёнгинни жilовлаш учун замонавий ўт ўчириш техникаларини сўрамоқда. Ҳозирда "тилсиз ёв" Греция пойтахти Афина шаҳрига яқинлашмоқда. Машҳур Акрондистининг қуюқ тутун қолган.

● Ҳиндистоннинг Нью-Дехли шаҳрида бундан бир неча йил аввал қурилган кўп қаватли уйнинг қулаб тушиши натижасида олти киши ҳалок бўлди. Қутқарувчиларнинг сўзларига қараганда бинонинг вайроналари остида яна 50 дан орტიқ киши қолиб кетган бўлиши мумкин. Ҳозирда қуриш материалларини иқтисод қилганлиқда айбланиб, ушбу бинони бунёд этган компания раҳбари ва унинг ёрдამчиси ҳибсга олинган.

ҚОНУН МАВЖУД
МУАММОЛАРНИ
БАРТАРАФ ЭТАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Депутатларнинг фикрича, жойлардаги ахвол ўрганилганда уй-жой ва коммунал соҳада фойдаланилмаган йўналишлар ва камчиликлар мавжудлиги аниқланган. Иқтисод, умумий мулкдан фойдаланиш, уни сақлаб туриш, уйлар фасаднинг бузилиши, тез тиббий ёрдам ва ёнгин хавфсизлиги техникаси ўтишига ҳалқит қилувчи нақсоний қурилишлар, руҳсат этилмаган жойларни ўраб олиш каби масалалар бугун жуда долзарб.

Жойлардаги мулоқотлар натижаси ўларок, Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси томонидан "Кўп квартиралы уйларда турар ва нотурар жойлардан, умумий мулкдан фойдаланиш ва уларни сақлаш тартиби тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди ва унинг нормалари қўмита аъзолари, ЎзЛиДеП фракцияси депутатлари, соҳа мутахассислари, экспертлар иштирокида муҳокама этилди.

Қонун лойиҳасида уй-жой мулкдорларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари белгиланмоқда. Шунингдек, кўп квартиралы уйларда умумий мулкни техник ва санитар сақлаш, жорий ва мукамал таъмирлаш, инженер-муҳандислик тизимлари сақланувчанлигини таъминлаш, санитар-эпидемиологик ва техник талабларга риоя этилиши, уй-жойга тегишли ховли атрофини ободонлаштириш каби масалалар ақс эттирилмоқда.

Шу билан бирга, кўп квартиралы уйда таъмирлаш, қайта режалаштириш ва қайта жиҳозлаш ишларини ўтказишда белгиланган талабларга, қурилиш ишларини ўтказишда шовқин даражаси кўрсаткичларига риоя этилиши каби нормалар мавжуд.

Қонун лойиҳасида кўп квартиралы уйнинг умумий мол-мулкни бошқаришда фуқаролар, мулкдорларга тегишли ва умумий мулкни эксплуатация қилувчи ва бошқарувчи ташкилотлар ва хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларига ҳам талаблар қўйилмоқда.

Муҳокамада депутатлар қонун лойиҳасида ўз аксини топаётган нормаларни такомиллаштириш юзасидан ўз таклиф ва тавсияларини билдирди.

Нурилло НАСРИЕВ,
ЎЗА мухбири

**Санъат, адабиётга ошнолик
халқимизнинг қон-қони, жон-жонига
сингиб кетган. Унинг илдири жуда узоқ
йилларга бориб тақалади.**

МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИР

Бизда авлоддан-авлодга ўтиб келаятган санъаткорлар сулолалари бор, бундан ташқари устоз-шоғирд аъёнлари ҳам азалий қадриятларимиздан ҳисобланади. Узининг ширали овози, ижро маҳорати билан халқимиз юрагидан жой олган халқ хофиз, халқ артисти, хизмат кўрсатган артистларимиз камтарлиги, самимилиги, муҳлислагига бўлган эътибори билан эл назарига тушган, унинг ишончини қозониб, эъзоз-эҳтиромга лойиқ.

Шахримизнинг сўлим гўшаларидан ҳисобланган Фафур Фулом номли маданият ва истироҳат боғида "Устоз-шоғирд аъёнлари эътибори билан" туркумида учрашув ва тадбирлар ўтказиш кўп йиллардан бери аъёнларга айланган. Шундай маънавий-маърифий кечалардан бири шу масканда Ўзбекистон халқ артисти, халқ таълими аълочи-си, Икромжон Бўроновнинг 80 йиллик таваллуди муносабати билан бўлиб ўтди. Унда таниқли олимлар, санъаткорлар ва Икромжон Бўроновнинг шоғирдлари ҳамда санъатсевар ҳамшаҳарларимиз иштирок этишди.

Тадбирни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат ар-боби, санъатшунослик фанлари доктори, профессор Р.Абдуллаев очиб, халқнинг сеvimли санъаткори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист И.Бўроновнинг ижодий мероси ёшлар қалби ва онгидан она Ватанга меҳр-муҳаббат туйғуларини шакллантиришда, уларни қадриятларимиз ва бой маданий меросимизга ҳурмат, садоқат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга эканлиги ҳақида тўхталиб ўтди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Н.Аминжонов, "Нуроний" жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими раиси Р.Калонвалар эл ардоғидаги санъаткор бу юксак мартабага ўзининг билимдонлиги, камтарлиги, самимилиги, устозларга бўлган ҳурмати ва шоғирдларига бўлган эътибори тўғрисида эришганлигини эътироф этдилар.

Ўзбекистон халқ хофизы М.Тожибоев, Исроилжон Ваҳобов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Абдушоир Салимов, Аҳмаддон Дадаев, Равшан Комиловлар томонидан ижро этилган дилбар кўп-қўшиқлардан санъатга шайдо ҳамшаҳарларимиз кўнглимизга завқ олди. Боғ қошидаги "Дурдона" ҳамда "Ўзбекиойим" номли фольклор-этнографик халқ ансамбли қатнашчилари томонидан ижро этилган лапар, халқ қўшиқлари тадбирга янада кўтаринки кайфият бағишлади. Эл эъзозидagi санъаткорнинг "Сен баҳорни соғинмадингму?", "Тоғли қиз", "Ёшлигим", "Бўлмас" каби қўшиқлар муҳлислар томонидан бир неча бор қарсақлар билан олқишлаб турилди.

Гулчехра КАРИМОВА

Ўзбекистон – Тожикистон:

КЎНГИЛ ЯҚИНЛИГИ АДАБИЁТДАН БОШЛанаДИ

Ўзбек ва тожик халқларининг азалий дўстлиги ҳақида гап кетганда икки буюк зот – Алишер Навоий ва Абдурахмон Жомийнинг табаррук номлари тилга олинади. Зеро, бу улуг сиймоларнинг гоъвий-эстетик диди, дунёқараши, маслағида ҳамоҳанглик мавжуд. Теран маъно ва гоълар, образлилиқ ва бадийликка бой туркий ва форс-тожик адабиёти шу тарзда буюк шоирларимиз ижодида яққол уйғунлик касб этган.

Адиб Фафур Фулом бу икки улуг зот ҳақида мулоҳаза юритар экан, адабий алоқаларимизни, айниқса, ёзувчилар ҳамкорлиги ва ўзаро таъсирини ўрганганда уларнинг фалсафий қарашларидаги ҳамоҳангликни таянч нуқта қилиб олиш кераклигини таъкидлаб туриб, Навоий билан Жомий ўртасидаги муносабатлар асосида халқларимизнинг самими қардошлиқ муносабатлари, орзу-истаги яқинлиги, интилиш ва мақсади бирлиги муҳим аҳамиятга эришди. Шунингдек, уларнинг маънавий муштараклик доираси кенг ва ранг-баранг бўлган, бу айниқса ижодий ҳамкорликда аниқ кўзга ташланишини айтади. Шу маънода, атоқли ижодкор Мирзо Турсунзода ўзбек ва тожик халқлари дўстлигини тараннум этиб: "Жомий билан Навоий бир-бирлари билан ҳамдам бўлганларидек, халқларимиз бир-бирлари билан ҳамнафас ва маънавий рақиб бўлиб келмоқдалар. Сизларга ҳам, бизларга ҳам нур сочиб турган юлдузлар муштарак бўлганидек, маънавий бойликларимиз ҳам муштаракдир" деганида ҳақ эди.

Навоийдек зуллисонайлик аъёнани унинг замондошлари Атоий, Саққоий, Лутфий, Гадоий, Амийр томонидан давом эттирилган бўлса, кейинги асарларида Бухоро, Қўқон, Самарқанд ва Хўжанд адабий муҳитларида, хусусан, Бобур, Байрамхон, Гулхоний, Махмур, Маъдан, Фазл Намангоний, Нодира, Маъзана, Увайсий сингари шоир ва шоирлар ижодида ёрқин ифодасини топганини ҳам алоҳида қайд этиш даркор.

Ўзбек ва тожик халқлари адабиёти бир-бири билан яқин, туташ адабий алоқалар, ҳамкорлик каби кўпгина ибратли воқеаларга ҳам бой. Бунда ХХ аср тожик адабиёти вакили Мирзо Турсунзодининг бевосита ҳиссаси бор.

Мирзо Турсунзода билан ўзбек ёзувчи ва шоирлари ўртасидаги дўстона муносабат ижодий ҳамкорликнинг ўзига хос янги саҳифасини очди. Адиб Тошкентда таҳсил олган чоғлари асосида Садриддин Айний йўлини тутиб, ўзбек мутуз адабиётининг сара асарларини яқиндан ўрганди. Ойбек, Фафур Фулом, Ҳамид Олимжон, Зулфия, Комил Яшин билан ижодий муносабатда бўлди. Шу тариқа Турсунзода асарларининг ўзбек адиблари томонидан зўр маҳорат билан ўзбек тилига таржима қилиниши учун қўлай адабий муҳит пайдо бўлди. Фафур Фулом, Барот Бойқоқилов, Нормурод Нарзуллаев, Жонибек Қунов, Маҳмуд Тўлқиннинг таржималари тўғрисидаги юксак маҳорат билан битилган достонлари, лирик шеърлари ўзбек китобхонларининг маънавий мулкига айланди.

Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов Мирзо Турсун-

зоданинг халқларимиз ўртасидаги маънавий яқинлиқни асраш борасидаги мулоҳазаларини зўр эҳтиром билан эслаб бундай ёзган эди:

"Устоз Мирзо Турсунзодининг ҳам насиҳату ҳам васиятига содиқ қолаётганимиздан қўлим кўксимда, бошим осмонда. Дарвоқе, устоз Мирзо Турсунзода ўзбек тилини гоът чўқур билгучи дилбар киши эдилар. Эсимда: Москвада, Колонна залида Фафур Фуломнинг 70 йиллик хотира кечасини ўтказиб, меҳмонхонага қайтаётганимизда, Мирзо ака менга қараб: "Абдулла иним, ўзбек ва тожик халқлари ўртасидаги катта кўприк бўлиши Фафур Фулом дунёдан ўтган. Бизлар ҳам қариб қолдик чоғи. Энди сиз, ёш адиблар бир-бирларингиз билан кўпроқ мулоқотда бўлинглар, борди-келди қилинглар, меҳр кўзда", деган гаплари ҳамон қўлғим остида жаранглаб турибди".

Адабий яқинлик ҳақида сўз кетар экан, шуни айтиш керакки, Абдулла Қодирий, Ойбекнинг адабий тажрибасини ҳисобга олмасдан туриб, Жалол Икромий, Сотим Улуғзода ижодий изланишларини тушунтириб бериш қийин. Ёки Ҳамид Олимжон, Фафур Фулом, Улфиз, Ҳамид Фулом, Мақсуд Шайхоннинг сингари сўз санъаткорларининг шеърый тажрибасини ҳисобга олмасдан, Пайрав Сулаймоний, Мирзо Турсунзода, Мирсаид Миршакар, Абдулло Дехотий, Ҳабиб Юсуфий ва бошқа тожик шоирларининг ижодий изланишларини англаш амри маҳол.

Файзулла Ансорий дўсти Ақсад Мухторга йўллаган шеърый мактубида ўзбек ва тожик халқлари дўстлигини бундай қўйлаган эди:

Икки пок дилмизу танимиз бирдир,
Бир қўшиқ қўйлайди диллар азалдан.
Бир мурод, мудабо, ният-ла биз зўр,
Жуфт туғун ечамиз битта чигалдан.

Ҳа, мамлакатимизда Президент Шавкат Мирзиёев бошчилигида олиб борилаётган бағрикенглик, яқин қўшиқлик сиёсати халқларимиз ўртасидаги дўстликни, адабий-маданий алоқаларни янада мустаҳкамлашда янги босқични бошлаб берди. Дўстлигимиз, биродарлигимиз ва адабий алоқаларимиз кўн сайин ривож топмоқда. Зеро, тўп-роғи туташ, бир дарёдан сув ичадиган, бир-бирига қўл тутинадиган, молу жони ўртада, қондошу жондошга айланган ўзбек ва тожикнинг ҳамжиҳатлиги, адабий ҳамкорлиги бардавом аъёнларда ўз аксини топган. Бир сўз билан айтганда, халқларимиз ўртасидаги дўстлик қуёши нур сочаверсин, ўзининг ҳаётбахш ҳарорати билан дилларимизни иситишда давом этсин.

Абдусалом САМАДОВ,
адабиётшунос, филология фанлари номзоди
УзА

Темур Убайдулло, укагинам, кечатгина норгул йигит эдинг, кўз очиб-юмгунча 70 ёшни қоралаб қўйибсан. Кексайдим деб ўкинма, жигарим. 70 ёш шоир йигитга авжи кучга тўлган, пишиб етилган, кўнгилдаги ёрқин мисралар қоғозга маржон каби тўкиладиган вақти.

Юришларинг тетик, қарашларинг зийрак. Аёллар кўзи билан қараганда эллик, биз тенгқур дўстларинг сенга Пайгамбар ёшани берамиз. Ошириб юборибсан деб аразлама. Ёшинг бундан кичрайтирсан, ўкиганлар шу ерда ҳам ойна-оғайнингариликка боришибди-да, дейишларидан хижолат тордим. Ана шу андиша бўлмаганда салмоқлаб қадам босишингни кўриб турсам-да, сенга қирқ ёшдан ошганини бермасдим. Ўйлаб турсам "қискагина" умр йўлинда талай жойларда ишлаб қўйибсан. "Гулкан", "Тошкент оқшоми", "Ўзбекистон овози", "Тошкент ҳақиқати", "Ишонч", "Нуроний", яна давом эттираверайми? Биров билиб, биров биламан қанча-қанча жойларда ишлаганини сирлигича қолақолсин. Агар давом эттирадиган бўлсам, ўкиганлар бу Темур Убайдулло деганларининг ишлаган газетаси қолмадику, деган шайларга боришлари мумкин. Битта нарсадан хурсандман. Қаерда, қайси жойда ишлаганини фақат ўзингдан яхши ном қолдирдинг. Неки ёзган бўлсанг, оддий мақола, лавҳа, очеркми, суҳбатми, публицистикамми, шеър ёки ҳикоями муҳлислар эътиборидан четда қолмади, қўлма қўл бўлиб ўқилди.

Шу ўринда ҳаётий бир мисол келтирсам. Эрталаб автобус лиқ тўла одам. Ҳамма ишга шошиляпти. Олдинги ўриндикда ўтирган кекса бир нуроний кишининг қўлида газета, берилиб ўқияпти. Ниҳоят, мутулаадан бош кўтариб, ёнидаги шеригига "бу Темур Убайдулло деганларни одамнинг дили ва тилида турган гапларни хўп топиб ёзади-да. Шу инсоннинг ёзганларини ўқисам мазза қиламан, деб қолди. Мақтанганим ё ўзини қимлигини билдириш учунми, билмайман, беихтиёр оғзимдан "Шу йигит менинг дўстим бўлади?" деган сўз чиқиб кетди. Ана энди кўр хангомани. Бир зумда савол-жавоблар ёғилди. Қарасам сўрваларнинг ниҳоси тугамайдиغان. Охири "уни кўрмоқчи бўлсангиз "Тошкент оқшоми" таҳририятига келинг", деб автобусдан тушиб кетдим. Ана ўшанда сендек забардаст ёзувчи дўстим ва укам борлигидан яна бир бор фазлландим.

Ўзинг билган, яқиндан таниган суҳбатдош инсонлар ҳақида ёзсанг мисралар ўз-ўзидан қўйилиб келгандек, тизгинсиз сўзлар, мисоллар бир-бирига улашиб келавераркан. Унисини ёзсанг, буниси қолиб кетаётгандек, қай бирини ёзгани билмай қолсан. Мухимроғини танлашга қанча чоғлана, барибир ёзганларингдан кўнглинг тўлмайди.

Бир гапни аниқ айтишим мумкин. "Тошкент оқшоми"да ишлаган йилларинг ҳаётинг ва ижодингга ёрқин саҳифа бўлиб қолди. Бунга ҳаёт йўлинг ҳақида ёзган бир рисолингизда ўзинг ҳам тан олгансан. "Гул-

хан"дан "Тошкент оқшоми"га ўтиб ишлаб бошлаганимда атак-чекач йўлимдан, кенг ва раvon йўлга чиқиб олгандек ҳис этдим ўзимни. Шу жойда кенг қанот ёздим. Тошкент ҳақидаги китобим шу даргоҳда ёзилди. "Бир асар тарихи" руқчи остида энг яхши романнавислар, драматурглар, қўшиқ-

"Тошкент оқшоми"даги биринчи устозинг Тўлқин Расулев эди. Ҳаммамиз учун хурматли бўлган шу қалам соҳибидан кўп нарсаларни ўргандик. Устоз таълимотининг барча сирларини бирма-бир ошкор этиб ўтирмадим, сабаби уларнинг ҳаммаси ўзингга беш қўлдек аён. Шу даргоҳда орттирган

ҲАМИША ЭЛНИНГ ЭЪЗОЗИДА БЎЛИНГ

(шоир ва публицист Темур Убайдулло — 70 ёшда)



чи шоирлар, моҳир рассомларнинг ижод йўлларини кенг ёритдим. Улар "Саргайган саҳифалар", "Юлдузли маржонлар" номли китобларимизда ўз аксини топди. Шу ерда ўн йиллик иш жараёнида баракали ижод қилдим. "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист" унвонига сазовор бўлдим", деб ёзгандинг ўшанда.

Умр йўли мазмунли ўтган инсоннинг пешонаси ярақлаган бўлади. Бу борада сеининг ҳам пешонанг ярақлаган экан. Ҳаёт йўлингизда кўп яхши одамлар билан ҳамнафас, ҳамроҳ бўлдинг. Биринчи ўқитувчинг Адолат опадан тортиб, Миллий университетда таълим берган профессор Тўғон Эр-назаров, ёзувчи ва шоирлардан Файратий домла, Шухрат, Ҳаким Назир, Пулат Мумин, Хайридин Салоҳ, адабиётшунос Тўхтасин Жалолов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Наримон Орифжонов, "Гулкан" журналининг бош муҳаррири Яйра Саъдуллаева, "Тошкент оқшоми" газетаси бош муҳаррирлари Лўқмон Қозоқбоев, Акмал Ақромовларнинг этагидан маҳкам тутиш ҳар қимга ҳам насиб бўлавермайди, дўстим.

дўстларинг Ўткир Хошимов, Солиҳ Ёқубов, Ҳамид Икромов, Раҳматулла Файзуллаев, Абдулла Пулатов, Тўхтамурод Тожевлар билан ҳаммаши фахрланиб юрасан. Тўғри қилсан, "Бир кун туз инган жойингга қирқ кун салом қўл" деган падаринг Йўлдош ота Маҳкамов, волидаи муҳтараманг Манзура ва Убайдуллаевларнинг насиҳатларига умр бўйи амал қилиб келасан.

Ота-она ҳурматини сендан ўрганиш керак. Битта ном олсанг, ярмини ота-онангга асраб қўярдинг. Умр бўйи ота-онанг дуо-сини олдинг, кўнглинг тўлмади. Улар ҳақида қасидаю ҳикоялар ёздинг, бу ҳам кам дединг. "Суҳбатда онам ўғонди" насрий ва шеърый китобингчи чоп эттирдинг, бу билан ҳам қониқмадинг. Ва ниҳоят ота-онангга бағишлаб "Тақдир ёзиғи" деган романчингни ёзиб тугатдинг. Битта фарзанд бўлса сенчалик бўларда. "Қуш уясида кўргангани қилади", "Нима эксанг, шуни ўрасан" деганлар донишмандлар. Иншооллоҳ, ота-онангга қилган бематанг хизматларинг фарзандларингдан қайтади. Китоб жони-дилнинг. Қўлингга китоб туш-

са, уни бирма-бир варақлаб кўрмагунингча кўнглинг жойига тўшамайди. Сен билан кутубхонага кирган одам сени синчиқлаб китоб кўришингдан тоқати тоқ бўлиб, сени шу даргоҳда қолдириб яққа ўзи чиқиб кетади.

Сен билан бир кун саяхатга чиққан одам ўн кунлик дам олишини ўтаб қайтгандек бўлади. Ичинг тўла латифа. Унисини бунисига улайсан. Яна ҳаммаси "теша тегмаган". Қайдан топасан билмайман. Қайси даврга кирсанг, ўша жойда қулги. Латифағўйликда Насриддин афандидан ўтсанг ўтасанки, қолишмайсан. Бу сатрни ўқиган баъзи бировлар "жуда ошириб юборибдику" дейишга дейишар. Лекин бу гапларини мен бичиб тўкиётганим йўқ, борини ёздим. Устозларимиз бизга шундай ўғит беришган: оширма-тоширма, лекин бор гапни айтишдан уялма.

Қараб турсам салкам эллик йил матбаачилик билан шуғулланибсан. Умрингнинг кўпини газетачиликка бағишлабсан. Агар сен ёзган турли жанрлардаги йирик-йирик мақолалар тўлган беш-олти том китоб бўлса керак. Йиллар давомида ўн ўчдан ортиқ китобларинг ўқувчилар қўлига бориб тегди. Ҳам ишлаб, ҳам ижод қилишинг ўзи бўлмайди. "Табиб табиб эмас, бошингдан ўтган табиб". Ўзим ҳам ижод билан шуғулланганим учун бунча яхши биламан. Рўзгор, кундалиқ ташвишлар, қанча югур-югурлар билан китоб ёзишга вақт топганига раҳмат. Нафақат иқтидорли, балки чидам ва тоқатли кишинга бундай хайрли ишларни қила олади. Ёзган китобларинг ҳақида буниси ундай, унис бундай дейишдан оқизман. Уларнинг таҳлили мунаққидлар ҳужмига ҳавола. Менга эса барча ёзганларинг бирдек ёқимли, бири-бирдан гўзал.

Падаринг Йўлдош ота анча-мунча заҳилкаш эдилар. Сендаги латифағўйлик отангдан ўтган бўлса ажаб эмас. У киши билан бўлган суҳбатлардан бирида айтган гаплари сира ёдимдан чиқмайди. "Очарчилик йилларини кўрдим, урушда бўлдим, қон тўқдим. Омон-эсон она юртимга, оилам бағрига қайтдим. Кўрган кечирган азоб-уқубатларимнинг барчаси Оллоҳнинг каромати билан паҳлавондек бир ўғил қўришим билан тарқаб кетган. Темурдек мустаҳкам бўлсан деб унга ўзим Темур деб ном қўйганман".

Бугун ўша ота-онанинг бахти бўлиб дунёга келган жажжи чачалоқ Темур, йиллар ўтиб шоир ва ёзувчи бўлиб муҳлис-лар ардоғида юрибди. Нима ҳам дердим. Мақтовлардан марғуруланма. Сендан умидимиз катта. Ёзганларинг сендек талант соҳибни учун денгиздан томчи. Қайтар бўлолинг эндигина кўз очиб келаётган экан, келгусида сендан кўплаб серқирра асарлар кутамиз. парвозинг банд бўлсин дўстим!

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган журналист

ЁШ АВЛОД ТАРБИЯСИ

болангиз виртуал ўйинлар қаҳрамонига айланиб қолмасин...

Беҳзод компьютерига янги ўйинлар ўрнатди. Энди олти ёшга тўлаётган ўғлига "Speed Racing Car" – "Машиналар пойғаси" ўйинини қандай ўйнашни кўрсатиб берди. Ўйинга диққат билан тикилиб турган ўғли "дада, машинангиз одамларни босиб кетаяпти" деди. Шунда Беҳзод "ўғлим, бу ўйинда одамларни машина босиб кетса ҳам ҳеч нарса қилмайди, сен машинангни ҳайдаб кетаверсан, тушундингми?" деб ўғлини компьютер ёнига ўтқазиб қўйди.

Орадан икки ой ўтган Беҳзод ўғлини боғчадан олиб, автомобиллар тўхтовсиз ҳаракатланаётган катта йўлдан ўтишга шайланди. Шу орада ўғли қўлдан чиқиб, тинимсиз ўтиб турган машиналар орасидан йўлнинг нариги бетига югурди. Бола сабаб бир неча автомобиль бир-бирига тўқнашди. Яхшиямки, ҳайдовчиларнинг хушёрлиги сабаб болакай омон қолди. Фарзандининг боёшлигидан жажжи чиққан Беҳзод югуриб бориб:

– Нега бундай қилдинг, – деб бақирди. Мўлтираб турган ўғли:

– Дадажон, машина босгани билан барибир менга ҳеч нарса қилмайди, ўзингиз айтгансиз-ку? – деб жавоб берди...

Бугун замонавий ахборот технологиялари, энг сўнгги турдаги компьютерлар кўпчилигининг ўйиндан жўй олган, улардан воз кечиб бўлмайди. Чўнки, виртуал олам одамни, айниқса, ёшларни оҳанграбодек ўзига тортоқда.

Энг сўнгги турдаги техник воситаларни пухта ўзлаштириб, замон билан ҳамнафас бўлиб бормоқ керак, акс ҳолда, тараққиётдан ортда қолиб кетиш ҳеч гап эмас. Аммо танганин икки томони бўлганидек, замонавий технологияларнинг ҳам салбий оқибатлари бўлиши мумкинлигини унутмаслик лозим.

Донийм равишда компьютер ўйини ўйнашни одат қилган бола ҳақиқий ҳаётни ўйиндан фарқлай олмай қолиши ҳолатлари кузатишмоқда. Бу ақсарият ота-оналар иш қўлайиб кетганини рўқча қилиб, фарзанд тарбиясини ўз ҳолига ташлаб қўйганлигининг натижасида келиб чиқаётган. Жигарпорасини турли хавф-хатардан асраган ота-она онгу тафаккурга келганда бепарволик қилиб, фарзандининг овуниши, бўш ўтирмалиги учун компьютер ўйинларига рўбарў қилишга уринади. Натижада бола компьютер ўйинларининг асирига айланмоқда.

– Бундай муҳида вақт қандай ўтгани сезилмайди, шўнинг учун ўсимир болалар компьютер ўйинларига мўлтоқ тобе бўлиб қолмоқда, – дейди болалар шифокори Дилмурод Каримов. – Болалар ўйинга берилиб кетганидан ҳатто қорни очганини ҳам билмай, касаллик орттириб олиши кузатишмоқда. Ўйинларнинг салбий оқибатлари фарзандларимизнинг руҳиятига ҳам таъсир қилмоқда. Компьютер нури нафақат болаларни, ҳатто катталарни ҳам руҳан, ҳам жисмонан толиқтиради. Афсуски, бола керакли физиологик қувватни техника ёнида соатлаб ўтириши натижасида йўқолади. Бола организми ўсимини ис-тайди, лекин кучи етмайди. Шундан у сўлғин, руҳан жиззак, одамови бўлиб қолади.

Берилиб компьютер ўйнашининг салбий оқибатлари кўп. Энг асосийси, инсоннинг кўриш қобилияти пасаяди. Ваҳоланки, ёш болалар экранга кўнлик қарашининг меъёри 45 дақиқа этиб белгиланган. Компьютер ўйини-да галабага интилаётган бола ўз мақсадига эришмагунча соатлаб ҳаракат қилади. Бу ундаги худбинликни (эгоизм) кучайтиради. Атрофдагиларга бемехр бўлади. У ўйинда душманни ўлдирди. Натижада ҳаётда одамларга бепарқ бўлиб қолади. Уларга махлўқ сифатида қарайди. Дарс, мутулаадан ташқари, ота-онани, катталарни хўрмат қилиш тўғрисида сўниб боради.

Виртуал ўйинларнинг салбий оқибатлари ҳақида оммавий ахборот воситаларида бот-бот бонг уришса ҳам барибир интернет-кафеаларнинг доимо ёшлар билан жўжумлиги, у ерда ўсимирларнинг турли ўйинларга мўлка-сидан кетаётгани ва қимматли вақтини беҳуда ўтказиб-гани дилини хира қилади. Айниқса, болаларнинг диққатини монитордан узмаган ҳолда бир-бири билан сўчишиб, бир-бирини беҳаё сўзлар билан қаҳорлатиб галлашиши интернетдан маълумот олиш учун келган қизлар, аёлларнинг жиддий эътирозига сабаб бўлмоқда.

– Иш юзасидан интернет-кафега киришимизда тўғри келди, – дейди пойтахтимизнинг 218-мактаб ўқитувачиси Раъно Назарова. – У ерда 11-12 ёшдаги болаларнинг бад-хўлқилигидан кирганимга афсус қилдим. Ушандан бўён бундай жойларга киришга юрагим бетламайди. Ҳар доим ота-оналар мажлиси ўтказганимда уларга ўзим кўрган ҳолатни гапириб бераман ва фарзандини ўз ҳолига ташлаб қўймаслиқни, бола тарбиясига жиддий қарашини, энг муҳими, бола виртуал ўйинлар қаҳрамонига айланиб қолмаслигини тайинлайман.

Психологларнинг компьютер ўйинларини ўйнаш ҳар кунлик режими айлангани инсон руҳиятига ўта салбий таъсир қилиши ҳақидаги илмий қарашлари улуг бобока-лонимиз фикрларига ҳамоҳангдир. Буюк қомусий олим Абу Али ибн Сино вақтини беҳуда сарфловчи кишилар ҳақида бундан бир неча аср илгари "Бекорчилик ва айш-ишрат нафақат нодонликка олиб келади, айни вақтда турли касалликларнинг пайдо бўлишига ҳам сабаб бўлади", деб ёзган.

Чегара билмас ахборот макони ривожланаётган бугунги кунда ёш авлоднинг компьютер технологияларидан тўғри фойдаланишга ўргатиш миллий қадриятларимизга содиқ, қомил фарзандларни воёга етказишда муҳим аҳамият касб этади. Компьютер хизматлари кенг ривож-ланаётган бир пайтда ёшларнинг интернет-кафеалар хиз-матидан тўғри фойдаланишини таъминлаш, беҳаё сайт-лар ёки турли ўйинлар таъсирига тушиб қолишининг олдини олиш ота-оналар ва ўқитувчилар зиммасидаги масъулиятли вазифадир.

Замонавий ахборот-ресурс марказлари электрон дарслик ва миллий ўйинлар билан бугун глобал тар-моққа уланган интернет-кафеалар бир пайтинг ўзида тез-кор почта, маълумотлар базаси, дунёдаги турли воқеа ва ҳодисалар ёритиладиган информация манбаи бўлиши билан бирга, зўравонлик, беҳаёлик каби иллатларни тар-ғиб қиладиган, ёш авлод онгу шуурига мафкуравий таъйиқ ўтказадиган турли ўйинлар ўчоғига ҳам айланмоқда.

Шўнинг учун ҳам маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлонийнинг "агар бир киши ёшлигида нафси бузилиб, тарбиясиз, ахлоқсиз бўлиб ўсди, бундай кишилардан яхшилик кулмок ердан туриб юлдузларга қўл узатмак кабиридир. Дин ва этиқоиди саломат бўлмаган кишилар ҳақи ботилдан, фойдани зарардан, оқни қорадан, ях-шини ёмондан айира олмас, бундай кишилардан на ўзига ва на бошқа кишиларга ва на миллатга тарихқа фойда йўқдир", деган сўзлари бир аср аввал миллатимиз ўшун қанчалик долзарб бўлган бўлса, ҳозир ҳам ўш аҳамият-ини йўқотгани йўқ.

Даврон СУННАТОВ,
УзА муҳбири



ТАШКИЛИЙ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон суперлигаси ҳамда про-лигаси доирасидаги учрашувларнинг юқори даражада ташкил этилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон футбол ассоциацияси мажлислар залида клублар вакиллари ҳамда ПФЛ томонидан ўйинларга комиссар сифатида тайинланган масъулларнинг қўшма йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда ЎзПФЛ бош директори маслаҳатчиси Диёр Имомхўжаев, УФА ҳакамлар ва назоратчилар бошқармаси бошлиғи Мамур Саидқосимов ҳамда ЎзПФЛ спорт бўлими бошлиғи Баҳодир Мирзаев суперлига ҳамда про-лига доирасидаги ўйинларнинг ташкилий жиҳатдан юқори савидада ўтказилиши учун зарур талаблар ҳақида маълумот бериб, ўз навбатида айрим учрашувлар давомида юзага келган бир қатор камчиликларни қандай бартараф этиш мумкинлиги хусусида

сўз юритишди. Қолаверса, клублар вакиллари ўйиннинг ташкилий масалалари бўйича ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди. Хусусан, учрашувнинг юқори савидада ўтиши учун масъул дея тайинланган комиссарларнинг ваколатлари доирасига кирувчи масалалар муҳокама қилинди. Клублар вакиллари ҳамда комиссарларнинг учрашув вақтида ўзаро ҳамжиҳатликда иш олиб бориб, суперлига ҳамда про-лига доирасидаги ўйинларнинг талаб дара-

жасида ўтказилишини таъминлашлари зарурлиги эътироф этилди. Бир қатор клублар вакиллари комиссарлар ишини янада яхшироқ йўлга қўйиш ва ўйин атрофидаги ташкилий масалаларни янада яхшилаш бўйича ўз таклифларини билдиришди. Йиғилиш якунида ЎзПФЛ ва клублар масъулнинг қолган иккинчи қисmini ҳам муносиб ўтказиб, ўйин ва ўйин атрофидаги тadbирларни ўзаро ҳамкорликда юқори савидада ташкил этиш бўйича келишиб олишди.

"ВЕБ-ФРИЛАНС" ВА "ВЕБ-ФРИЛАНСЕР" ЛИК

Тadbиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси сиёсий кенгаши ижроия қўмитаси томонидан "Веб-фриланс" ва "веб-фрилансер" лик фаолияти мазмун-моҳияти ҳамда уни Ўзбекистонда қонуний йўлга қўйишга бағишланган очиқ мулоқот бўлиб ўтди.

ЎзЛиДеП томонидан илгари сурилаган веб-фрилансерлар – бу ҳар қандай иш берувчи билан узоқ муддатли шартнома мажбуриятларисиз, мустақил равишда ишлайдиган инсонлардир. Улар бир неча иш берувчига ёки мижозларга қисқа муддатли шартномалар бўйича хизматлар кўрсатади ёки ишларни бажаради. Бу фаолият ўз ичига журналистдан тортиб шифокорларгача бўлган ўзлаб мутахассисликларни қамраб олади.

Умуман олганда, фрилансерлар – интернет имкониятларидан унумли фойдаланувчи мутахассислар ҳисобланади. Шунингдек, штатга расмийлаштирилмаган бухгалтер, ҳуқуқшунос ёки ходимлар бўлими мутахассисини ҳам фрилансерлар гуруҳига киритиш мумкин.

Тadbирда сўзга чиққанлар бугун ушбу фаолият тури дунёда, хусусан, АКШ, Россия ва Европанинг бошқа қатор мамлакатларида ривожланганлигини таъкидлади. Кўплаб мамлакатларда фаолиятнинг ушбу тури қонуний асосга эга. Маълумотларга қараганда, бугунги кунда Америкада иш билан банд аҳолининг 37 фоизини, Ҳиндистонда тахминан 1,5 фоизини ҳамда

Россияда 4 фоизини фрилансерлар ташкил этади.

Тadbирда таъкидланганидек, бу фаолият тури электрон тижоратни ривожлантиришга хизмат қилади. Бюджетга қўшимча даромад келтиради ва, энг асосийси, аҳолининг алоҳида қатламларини ишга жойлаштириш ва интеллектуал ресурсларнинг четга чиқиб кетишининг олдини олади.

Партия мамлакатимизда яққа тadbиркор учун рухсат этилган фаолият рўйхатида "веб-фрилансер" тушунчасини киритиш керак, деб ҳисоблайди. Негаки, бугун мамлакатимизда ўз соҳасини яхши биладиган, камда 2-3 та хорижий тилни муккамал ўзлаштирган, лекин ҳеч қаерда доимий ишламаётган уюшмаган ёшлар, уйда ўтирган хотин-қизлар кўпчиликни ташкил этади.

Маълумотларга қараганда, онлайн эркин алмашув курсларида Ўзбекистондан тахминан 1500 фрилансер рўйхатга олинган. Агар мамлакатимизда бизнеснинг ушбу замонавий турига қонуний асос яратилса, улар бемалол, қонуний иш юритиши мумкин бўлади.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН КУБОГИ СОҲИБИ АНИҚЛАНДИ

Қарши шаҳрининг "Геолог" спорт мажмуаси ҳудудидаги пляж футбол бўйича расмий ва халқаро турнирлар ўтказиш талабига жавоб бера оладиган майдонда беш кун давом этган Ўзбекистон кубоги мусобақаси ниҳоясига етди.

Мусобақанинг ҳал қилувчи финал ўйини майдон эгалари – "Насаф" футбол клуби қошидаги академия мураббийлари ҳамда пляж футбол усталари ҳисобланувчи "Когон" жамоаси ўзаро куч синашишди. Айни пайтда Фузулий Хайруллоев бош мураббийлик қилаётган "Когон" жамоаси мусобақа голиби бўлди. Бухороликлар ҳал қилувчи баҳсда рақиблари дарвозасини тўрт бор

нишонга олишиб, ўз дарвозаларидан битта тўп ўтказиб юборишди.

Мусобақада шунингдек, "Энг яхшилар" ҳам аниқланди. Унга кўра, энг яхши дарвозабон Асадулло Полвонов, энг яхши ҳимоячи Жўрабек Аҳмедов, энг зўр ҳужумчи ва тўпурар деб Соҳибжон Нарзуллоев топилди ва ташкилотчилар томонидан мукофотланди.

Ботир ХУЖАЕВ

ЗАМОН ҚАҲРАМОНИ САҲНАДА АКС ЭТАЯПТИМИ?

Миллий матбуот марказида Маданият вазирлиги ва Театр арбоблари уюшмаси ҳамкорлигида саҳнада замон қаҳрамони образини яратиш масалаларига бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда миллий театр санъатини раванг топтириш, иқодий жамоаларнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш, ҳар жиҳатдан мукамал саҳна асарларини яратишни кўлаб-қувватлаш масаласи давлатимизнинг доимий эътиборида бўлиб келмоқда.

Президентимизнинг ташаббуси билан юртимиздаги етакчи иқодий ташкилотларнинг "Дўстлар клублари" ташкил этилиб, уларга йирик қорхона, банк ва компаниялар ҳомий сифатида бириктириб қўйилди.

Театр саҳналарида истиқлол голялари, замонамиз қаҳрамонлари образлари ва давр руҳиятини ўзида акс эттирган спектакллари томошабинга тақдим этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбек Миллий академик драма театрининг "Истикбол сари", Ўзбекистон давлат драма театрининг "Ер барибди айланавради", Андижон вилояти мусикали драма театрининг "Юрт ҳумосига айланган одам", Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусикали театрида саҳналаштирилган "Ота орзуси" номли саҳна асарини шулар жумласидандир.

Анжуманда таъкидланганидек, театрларда замон қаҳрамонлари образини баҳоли қудрат акс эттирилмоқда.

Бироқ улар томошабинларни қутилганидек ҳайратга сола олмаётгани, образларда ҳаётийлик, таъсирчанлик етишмаётгани театршуносларнинг ҳақи эътирозига сабаб бўлмоқда.

Саҳнада замон қаҳрамонини акс эттириш ҳамisha долзарб масала бўлиб келган, – дейди Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти профессори Муҳаббат Тулаҳўжаева. – Замон қаҳрамони қайси касб эгаси бўлишидан қатъи назар, ҳақиқат, адолат йўлини умр мазмунига айлантирган, юксак маънавий-ахлоқий фазилатлар соҳиб бўлиши даркор. Бундай образни яхлит бадиий асар орқали яратиш эса ижодкорлардан чинакам маҳоратни талаб этади. Бугун театр жамоаларимиз томонидан замон қаҳрамонини саҳнага олиб чиқишга интилиш кучли. Шу билан бирга, асарларнинг тарғиботида оммавий аҳборот воситалари янада фаол ҳисса қўша айти муддао бўларди.

Матбуот анжуманида ўзбек драматургиясида замон қаҳрамони образини яратиш, бунда режиссуранинг ўрни, "Сени куйлаймиз, замондош!" фестивалига талаб ва таклифлар муҳокама этилди.

Н.УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири

Назар Давлатов (исм-шарифлар ўзгартирилган) пойтахтимизда "Computer super servis" масъулияти чекланган жамиятини бошқариб келарди. Жамиятда бир неча киши ишлар, Н.Давлатов узоқ қариндоши Жасур Ҳайдаровни моддий жиҳатдан қийналиб қолгани учун ёлланма ишчи сифатида ишга олганди.

Қилмиш – қидирмиш

ЎЗИНГДАН ЧИҚҚАН БАЛОГА...

2017 йил сентябрь ойида Назарнинг акаси Баҳром Давлатов ўзига тегишли "Нексия" автомашинасини 34 ярим миллион сўмга сотади. Назар "Дамас" автомашинасини олишни режалаштириб қўйгани учун акасидан ўша 34 ярим миллион сўм пулни сўраб қарзга олган эди. Бундан Жасурнинг хабари бор эди. Ўша пайтда янги "Дамас" автомашинаси нархи 52 млн. сўм бўлгани учун акасидан олган пулни уйдатиб темир сейфга солиб, қўлқаб қўйди.

2017 йил 10 октябрь кунини Жасур Назар Давлатовга бир неча бор қўнғироқ қилиб қарвалдагини сўрайди. Н.Давлатов кўчада иши билан юрганлигини айтади. Жасурнинг мақсади қариндошининг уйда йўқлигини фойдаланиб, сейфдаги пулни умариш эди.

Кундузи соат 14.00. Жасур қулфи дарвозани темир отворка билан очди. Ичкарига кириб темир сейфни бузди. Бамайхотир пулни олиб уйдан чиқиб кетди.

Соат 17.00 ларда Назар

Давлатов уйига келганида дарвоза қулфи бузилган, уйда ўғирлик содир бўлган эди. Дарҳол бу ҳақда ички ишлар бўлими ходимларига хабар берди. Олиб борилган суриштирув ишлари натижасида 4 кундан сўнг ушбу жиноятни Ж.Ҳайдаров содир этгани маълум бўлди.

Судланувчи Ж.Ҳайдаровнинг суд мажлисида берган кўрсатмасига кўра, 2016 йил октябрь ойида Е.Асадов билан 400 минг сўмга ижара ҳақи келишиб квартирада тургани, жамиятдан олган иш ҳақи қуллик сарф-харажатлардан ортмагани сабабли ижара ҳақи бир йил учун 8 млн. 300 минг сўмдан ошиб кетгани, Е.Асадовдан қарз бўлиб қолгани, Назар Давлатов уйда 34 млн. сўм пул борлигини билиб, жиноят содир қилганини сўзлаб берди.

Судланувчи Ж.Ҳайдаровнинг жиноят содир этганлигидаги айби, ўзининг кўрсатмаларидан ташқари, жабрланувчи ва гувоҳнинг кўрсатмалари, ариза, пул маблағини

олиш, ҳодисани содир бўлган жойда текшириш ҳақидаги баённомалар, юзлаштириш баённомаси ҳамда жиноят ишда тўплаган бошқа далиллар йиғиндисини билан ўз тасдиғини топди.

Жабрланувчи Н.Давлатов ўғирланган пуллар тергов даврида тўлиқ қайтарилгани учун Ж.Ҳайдаровга даввоси йўқлигини билдирди.

Суд Ж.Ҳайдаровни Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 169-моддаси 2-қисми "б,г" бандлари билан ойллик иш ҳақининг 30 фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолиш шарти билан 3 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлади. Халқимизда "ўзингдан чиққан балага, қайга борсан давога", деган гап топиб айtilган. Булмас, Ж.Ҳайдаров пойтахтдан жой бериб, иш билан таъминлаб, нон-туз берган қариндошига шу ишни раво кўрармиди?

Азиз МАКСУДОВ,
Миробод тумани
прокурори ёрдамчиси

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИНГ!

Ўзбекистон Республикасида етакчи ҳарбий таълим маскани ҳисобланиб, ҳарбий мутахассисларни тайёрлашда юқори мақомига эга бўлган Куролли Кучлар академияси куйидаги кафедралар бўйича профессор-ўқитувчилар лавозимларига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

- 1. Табиий-илмий фанлар йўналиши бўйича:**
 - профессор (физика) – 1 ўрин;
 - профессор (машина ва механизмлар назарияси; машина деталлари; материаллар қаршилиги; назарий механика) – 1 ўрин;
 - доцент (электротехника ва электроника асослари) – 1 ўрин;
 - доцент (материалшунослик ва конструкция материаллар технологияси. Иссиқлик техникаси ва гидравлика асослари. Машинасозлик технологияси асослари ва материаллари) – 1 ўрин;
 - доцент (чизма геометрия ва муҳандислик графикаси) – 1 ўрин;
 - доцент (кимё) – 1 ўрин;
 - катта ўқитувчи (олий математика) – 1 ўрин;
 - катта ўқитувчи (олий математика) – 1 ўрин;
 - катта ўқитувчи (электротехника ва электроника асослари) – 1 ўрин;
 - ўқитувчи (чизма геометрия ва муҳандислик графикаси) – 1 ўрин.
- 2. Жаҳон тиллари йўналиши бўйича:**
 - доцент (француз тили) – 1 ўрин;
 - доцент (инглиз тили) – 1 ўрин;
 - доцент (немец тили) – 1 ўрин;
 - доцент (форс тили) – 1 ўрин;
 - доцент (рус тили) – 1 ўрин;
 - катта ўқитувчи (инглиз тили) – 1 ўрин;
 - катта ўқитувчи (рус тили) – 1 ўрин;
 - катта ўқитувчи (немец тили) – 1 ўрин;
 - ўқитувчи (инглиз тили) – 1 ўрин;
 - ўқитувчи (рус тили) – 1 ўрин;
 - ўқитувчи (немец тили) – 1 ўрин.
- 3. Қўшинлар ва уларнинг кундалик фаолиятини бошқариш йўналиши бўйича:**
 - (Алоқа ва ахборот тизими)
 - катта ўқитувчи-доцент (информатика ва ахборот технологиялари) – 1 ўрин;
 - Қўшинларнинг хизмат (жанговар) фаолиятини бошқариш
 - ўқитувчи (муҳандислик тайёргарлиги) – 1 ўрин;
 - ўқитувчи (химия) – 1 ўрин.
 - 4. Жисмоний тайёргарлик ва спорт йўналиши бўйича:**
 - ўқитувчи – 1 ўрин;
 - 5. Гуманитар фанлари йўналиши бўйича:**
 - Гуманитар, иқтисодий-иқтисодий фанлар цикли профессор (фалсафа) – 1 ўрин;
 - доцент (миллий гоа, Ўзбекистон ривожланиш стратегияси) – 1 ўрин;
 - доцент (фурқолик жамияти) – 1 ўрин;
 - катта ўқитувчи (диншунослик) – 1 ўрин;
 - катта ўқитувчи (иқтисодий назарияси) – 1 ўрин;
 - ўқитувчи (фурқолик жамияти) – 1 ўрин;
 - ўқитувчи (фалсафа) – 1 ўрин.

Педагогика ва психология цикли

- профессор (психология) – 1 ўрин;
- доцент (психология) – 1 ўрин;
- доцент (социология) – 1 ўрин;
- доцент (педагогика) – 1 ўрин;
- катта ўқитувчи (психология) – 1 ўрин;
- ўқитувчи (социология) – 1 ўрин;
- ўқитувчи (психология) – 1 ўрин;
- ўқитувчи (педагогика) – 1 ўрин.

Танловда қатнашиш учун куйидаги ҳужжатлар талаб этилади:

Академия бошлиғи номига ариза; кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа; олий маълумот тўғрисидаги диплом нусخаси.

Қатнашувчиларда илмий даража, илмий унвон, шунингдек, илмий ишлар ва ижтродлар мажбур бўлган тақдирда улар тегишли дипломлар, аттестатлар нусхаларини ва илмий ишлар рўйхатини тақдим этишлари лозим.

Ҳужжатлар газетда эълон чоп этилган кундан бошлаб 20 (ийгирма) кун муддат ичда қабул қилинади.

МАНЗИЛ: Тошкент шаҳри, Паркент кўчаси – 2-уй. Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари академияси. Телефонлар: 289-97-84, 268-17-20, 268-97-27.

"Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти "Темир йўл обод" мажмуасига жорий йилда Германия давлатидан сименталь этига тегишли қорамоллар олиб келиниши, шунингдек, сутни қайта ишлаш цехи (10 тонна, сут, қаймоқ, пишлоқ в.к.) молларни соғиш зали Германия ускунасини (24,28 талик) ва гўшти қайта ишлаш цехи (кунига 0,5, 1 тонна ишлаб чиқариш)ни сотиб олиш бўйича ҳужжалик юритувчи субъектлардан тижорат таклифларини қабул қилади. Манзил: Toshkent sh., 100060, T.Shevchenko ko'chasi, 7. Tel: 236-48-56, 236-48-64, fax: 256-16-59. Email: ush@railway.uz.

Ташкент вилояти адлия бошқармаси томонидан "O'ZBEKISTON KIKBOKSING FEDERASIYSI TOSHKENT VILOYAT BO'LIMI"га 06.01.1999 йилда № 86 сон билан рўйхатдан ўтган ва 29.03.2010 йилда №680п билан қайта рўйхатдан ўтган нодавлат нотижорат ташкилотни давлат рўйхатида олинганлиги ҳақидаги гувоҳнома ва устави йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

"Миробод тумани ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат қорхонаси томонидан Миробод тумани, М.Жаҳонгир кўчаси, 8-А" уй учун Бутов Исмом Алишович номига берилган нотурар жойнинг (новвоий) кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ташкент шаҳрида 26 шох кўни ҳаво ўзгартирувчи, ётиқчилик бўлмайдиган, ўзидроқ хизмати маълумотига кўра, 26 шохда Тошкент шаҳридаги об-ҳаво шартини шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди, ишга илҳомини даст ифлослаштириш даражаси паст бўлади.

ЎзГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

Ташкент шаҳрида 26 шох кўни ҳаво ўзгартирувчи, ётиқчилик бўлмайдиган, ўзидроқ хизмати маълумотига кўра, 26 шохда Тошкент шаҳридаги об-ҳаво шартини шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди, ишга илҳомини даст ифлослаштириш даражаси паст бўлади.

Ташкент шаҳрида 26 шох кўни ҳаво ўзгартирувчи, ётиқчилик бўлмайдиган, ўзидроқ хизмати маълумотига кўра, 26 шохда Тошкент шаҳридаги об-ҳаво шартини шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди, ишга илҳомини даст ифлослаштириш даражаси паст бўлади.

Ташкент шаҳрида 26 шох кўни ҳаво ўзгартирувчи, ётиқчилик бўлмайдиган, ўзидроқ хизмати маълумотига кўра, 26 шохда Тошкент шаҳридаги об-ҳаво шартини шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди, ишга илҳомини даст ифлослаштириш даражаси паст бўлади.

Ташкент шаҳрида 26 шох кўни ҳаво ўзгартирувчи, ётиқчилик бўлмайдиган, ўзидроқ хизмати маълумотига кўра, 26 шохда Тошкент шаҳридаги об-ҳаво шартини шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди, ишга илҳомини даст ифлослаштириш даражаси паст бўлади.

Ташкент шаҳрида 26 шох кўни ҳаво ўзгартирувчи, ётиқчилик бўлмайдиган, ўзидроқ хизмати маълумотига кўра, 26 шохда Тошкент шаҳридаги об-ҳаво шартини шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди, ишга илҳомини даст ифлослаштириш даражаси паст бўлади.

Ташкент шаҳрида 26 шох кўни ҳаво ўзгартирувчи, ётиқчилик бўлмайдиган, ўзидроқ хизмати маълумотига кўра, 26 шохда Тошкент шаҳридаги об-ҳаво шартини шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди, ишга илҳомини даст ифлослаштириш даражаси паст бўлади.

Ташкент шаҳрида 26 шох кўни ҳаво ўзгартирувчи, ётиқчилик бўлмайдиган, ўзидроқ хизмати маълумотига кўра, 26 шохда Тошкент шаҳридаги об-ҳаво шартини шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди, ишга илҳомини даст ифлослаштириш даражаси паст бўлади.

Ташкент шаҳрида 26 шох кўни ҳаво ўзгартирувчи, ётиқчилик бўлмайдиган, ўзидроқ хизмати маълумотига кўра, 26 шохда Тошкент шаҳридаги об-ҳаво шартини шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди, ишга илҳомини даст ифлослаштириш даражаси паст бўлади.

Ташкент шаҳрида 26 шох кўни ҳаво ўзгартирувчи, ётиқчилик бўлмайдиган, ўзидроқ хизмати маълумотига кўра, 26 шохда Тошкент шаҳридаги об-ҳаво шартини шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди, ишга илҳомини даст ифлослаштириш даражаси паст бўлади.

Ташкент шаҳрида 26 шох кўни ҳаво ўзгартирувчи, ётиқчилик бўлмайдиган, ўзидроқ хизмати маълумотига кўра, 26 шохда Тошкент шаҳридаги об-ҳаво шартини шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди, ишга илҳомини даст ифлослаштириш даражаси паст бўлади.

Ташкент шаҳрида 26 шох кўни ҳаво ўзгартирувчи, ётиқчилик бўлмайдиган, ўзидроқ хизмати маълумотига кўра, 26 шохда Тошкент шаҳридаги об-ҳаво шартини шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди, ишга илҳомини даст ифлослаштириш даражаси паст бўлади.

Ташкент шаҳрида 26 шох кўни ҳаво ўзгартирувчи, ётиқчилик бўлмайдиган, ўзидроқ хизмати маълумотига кўра, 26 шохда Тошкент шаҳридаги об-ҳаво шартини шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди, ишга илҳомини даст ифлослаштириш даражаси паст бўлади.

Ташкент шаҳрида 26 шох кўни ҳаво ўзгартирувчи, ётиқчилик бўлмайдиган, ўзидроқ хизмати маълумотига кўра, 26 шохда Тошкент шаҳридаги об-ҳаво шартини шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди, ишга илҳомини даст ифлослаштириш даражаси паст бўлади.

Тошкент Оқшоми
Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Телефонлар: 233-28-95, 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтаманга» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказиде терчиди ва саҳифаланди

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@uamail.uz

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 Босма табоқ, офсет усули